



КОНСТИТУЦИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Пўлатов Бексултон Шерзод ўгли
ТДТрУ Иқтисодиёт факультети 1-курс Ю-3 талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдевори масаласи асосий қомусимизнинг моддалари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Конституция, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий пойдевор, давлат, халқ, фуқаро, ҳуқуқ, эркинлик.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамиятнинг мустаҳкам ифодасидир. Том маънода янги демократик тузумни барпо этиш мақсадида қабул қилинган Асосий қонунимизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умумэтироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган. Мустақил Ўзбекистон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XX асрнинг 90-йилларида Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-сиёсий муносабатлар мамлакат раҳбарияти зиммасига жиддий синовларни қўйган эди. Аввало юртимизда тинчликни сақлаш, мустақил давлатчилик сиёсатини юритиш, бунда жаҳон ҳамжамиятини эътиборини қозониш, мамлакат ижтимоий ҳаётининг осойишталигини таъминлаш, миллатлараро муносабатларида тотувликни таъминлаш, иқтисодий ривожланиш ҳамда маънавий юксалиш пойдеворини шакллантириш, унинг ҳуқуқий асосини яратиш давлат олдида турган дастлабки вазифалар эди.

Ёш мустақил давлатнинг Конституциясини яратиш учун 1990 йилнинг июнь ойида Республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида янги Конституция

лойиҳасини тайёрлаш учун конституциявий комиссия тузилади. Собиқ империя даврида бундай далил қадамни қўйишнинг ўзи катта жасоратни талаб қилар эди. Бу даврга келиб мамлакатимиз сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Мамлакат бошқарувида президентлик ва ҳокимлик институтлари жорий этилди, ҳукмрон коммунистик мафкурага барҳам берилди, мулкчилик шакллари ўзгарди, хурфикрлик, виждон эркинлиги



ғоялари қарор топди. Шунга карамай, ҳали олдинда ўз ечимини топиши зарур бўлган қатор муаммолар мавжуд эди. Шунинг учун ҳам конституциявий комиссия аъзоларига ушбу саволларга тўғри жавоб топиш ва таҳлил қилиш, хорижий тажрибани атрофлича ўрганиш, миллий кадриятларимизни конституция ғояларига сингдириш каби вазифаларни ҳал этиш турарди. Комиссия Конституция лойиҳасидаги ҳар бир модда ва қондани ўта синчковлик билан қараб чиқиш баробарида янги конституциявий тузумни яратиш борасидаги саъй ҳаракатлари туфайли қўйилган мақсадга эришилди. Мазкур комиссия Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди ва у 1992 йил 26 сентябрда матбуотда эълон қилинди. Ушбу лойиҳа бўйича умумхалқ муҳокамаси жуда қизғинлик билан, кенг жамоатчилик доирасида ўтказилди. Билдирилган таклифлар инobatга олиниб, 1992 йилнинг 21 ноябрида Конституция лойиҳаси иккинчи бор матбуотда эълон қилинди. Натижада олти мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди ва лойиҳага қатор тузатиш ҳамда аниқликлар киритилди. Халқимиз томонидан билдирилган фикрлар Конституция мазмунини янада бойитди.

1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Мукаддима, “Асосий принциплар”, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”, “Жамият ва шахс”, “Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши”, “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши”, “Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби” деб номланган 6 та бўлим, 26 та бобни ташкил этган 128 моддани ўз ичига олди. Халқимиз Конституциямизни қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний кадриятларга содиқ эканлигини намоён қилди. Умуминсоний кадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз олдидаги олий масъулият эканлиги

Конституциямизнинг асосий ғояси сифатида танлаб олинди. Конституциямизнинг барча тамойиллари, аввало, инсон ва

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда акс этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи” (7-модда), деб эътироф этилгани конституциямизнинг халқчил табиатини намоён этади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” деб эътироф этилиши фуқароларнинг миллатидан, ирқи, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги, ҳуқуқ ва эркинликлар барча учун бир хилда, тенг шароитларда таъминланини жамият барқарорлиги ҳамда осойишталигининг гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Жамият аъзоларининг манфаатлари тенг ҳимоя қилиниши баробарида давлат ўзининг кучли ижтимоий сиёсатини амалга ошириб келмоқда.

Миллий кадриятларимизни ўзига сингдирган Конституциямизнинг 63 ва 64 моддалари асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни ўз зиммасига олганлигини алоҳида эътироф қилиш лозим. Ўз фарзандларини вояга етказиш ота-онанинг олдидаги бурч, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга бурчли эканлиги айтилган қоидалар халқимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналари оиланинг муқаддаслигига таянишини кўрсатади. Бунда ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институтининг конституцияда мустаҳкамланиши халқимизнинг янада жипслашуви, кишиларнинг кундалик ҳаётини йўлга қўйишда муҳим восита эканлигида намоён бўлади.

Конституциямиз диний эътиқод эркинлигини кафолатлаш (31-модда) билан бирга, давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги (61- модда) қоидасини ҳам ўзида ифода этади ҳамда барча диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг қонун олдида тенглигини таъкидлайди. Конституциямизнинг Муқаддима қисмидаёқ ижтимоий адолатга садоқати намоён қилиш халқимизнинг юксак фазилати эканлиги баён килинган бўлиб, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш давлат сиёсатининг устувор тамойили экани қатор моддаларида акс этади.

Жамиятнинг иқтисодий асослари ҳар бир давлатнинг иқтисодий тузуми ахволига баҳо берувчи омиллардан ҳисобланади. Бир тузумдап иккинчи тузумга ўтиш, биринчи навбатда, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ ечим ва воситаларни тўғри танлаш, тегишли ҳуқуқий базани шакллантириш учун оқилона тамойилларни конституция даражасида эътироф этиш зарурати Асосий Қонунимизда ўзининг ижобий аксини топган. Бозор муносабатларига асосланган иқтисод, унинг хилма-хил шаклдаги мулкка



асосланиши, мулк шаклидан қатъи назар уларнинг даҳлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги (53-модда), мулкдорнинг ўз мулкидан фойдаланишдаги эркинлиги (54-модда) каби қоидалар барқарор иқтисодиётта, эркин тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий асос бўлди. Сиёсий тизимнинг барқарорлиги иқтисодий муносабатларнинг ривож, жамият фаровонлиги, кишилар моддий турмуш даражасининг яхшиланиб бориши билан боғлиқ бўлиб, кучли ижтимоий сиёсат, барқарор бозор муносабатларининг мавжудлиги сиёсий ислоҳотларнинг ҳам узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ижтимоий ҳаётнинг эркинлиги, фикрларнинг хилма-хиллиги, демократик тамойиллар талаблари даражасида мустахкамлангани билан ифодаланади. Бугунги кунда кўппартиявийлик мавжудлиги давлат тизимининг ҳокимиятини шакллантириш учун ўтказилаётган сайловларда умумхалқ референдуми на сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокида намоён бўлмоқда. Конституциямизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар (117-модда) деб белгиланиши, сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгаллиги демократик тараққиёт йўлидаги муҳим кадам бўлди.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2021-йил 6 ноябрдаги президентлик лавозимига киришиш маросимида бугунги ва чиқишимиз керак деб таъкидлаган эдилар. Шу муносабат билан 2022 йилда Конституциянинг 59 та моддасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш масаласи умумхалқ референдумига қўйилди. Биз муҳокама қилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37, 38, 39, 40, 41, 45, 53, 54, 61, 63 ва 64 моддаларига ҳам ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳокимиятини шакллантириш, фаолиятини ташкил этишда қонунларга риоя этилишининг асосий қоидаларини ифода этиш билан бирга, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, жамиятда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши, инсонлар онги ва тафаккурининг маънавий ва маърифий юксалиши учун пойдевор ҳисобланади. Унда адолат, маънавият, ҳақиқат, одиллик, миллий ахлоқий кадриятлар, умуминсоний



ғоялар каби мезонлар талабидаги коидалар мавжудки, бу ҳолат Конституциямизни улуғлаш, уни бирламчи олий юридик куч манбаи деб ҳисоблаш ҳамда устиворлигини тан олишга ундайди.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2019, 5 - 21 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Т., “Ўзбекистон”, 2008, 44-253 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонун лойиҳаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. <https://lex.uz>.
4. Yuldashev, B. E., & Yuldasheva, M. M. STATE POLICY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF RAILWAY.
5. Dadasheva, A. A. (2022). PUBLIC OPINION AND GOVERNMENT EVALUATION IN NEW UZBEKISTAN. The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research, 4(01), 16-19.
6. Юлдашев, Б. Э. (1994). Железнодорожники Ташкентской магистрали в развитии народного хозяйства Узбекистана в 30-е годы.
7. Дадашева, А. А. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ–КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ. Academic research in educational sciences, 3(10), 288-291.
8. Раматов, Ж. С., & Юлдашев, Б. Э. (2019). ЖЕЛЕЗНЫЕ ДОРОГИ УЗБЕКИСТАНА: ИСТОРИЯ, СЕГОДНЯ,